O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# БАЙРАМИНГ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОНИМ!



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 1-сентябр • № 36 (3813)

# МИЛЛИЙ ҒУРУР — БУЮК ҚУДРАТ

## *Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи*

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Барчангизни Ўзбекистон тарихи ва ҳаётида энг улуғ, энг азиз айём билан, мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ байрами билан табриклашга, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстларим, биродарларим!

Бундан ўн тўрт йил муқаддам мустақилликка эришиб, ўзлигини англаб, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизнинг беқиёс бойлик ва имкониятларидан фойдаланишга эга бўлган халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан қатъият билан илгарилаб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонимиз ҳар бир йили ўн-юз йилларга тенг бўлган тарихий йўлни босиб ўтди.

Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда.

Бунинг тасдиғини кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимиз чеҳрасида, далаларимиз, қишлоқ ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларда, янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватлари, муҳташам иншоотлар, шинам турар-жойлар, равон йўллар ва коммуникациялар тимсолида кўриш мумкин.

Бундай ижобий жараёнлар янгича асосда барпо этилаётган юзлаб ўқув юртлари — мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасалари мисолида намоён бўлмоқда.

Эртанги кунни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай бунёдкорлик ишларимизга куч-қувват бераётган кўп қиррали маънавий ҳаётимизнинг янада юксалиши ва унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бугун ўз ҳосили ва самарасини бермоқда.

Шу борада улуғ аждодларимизнинг бебаҳо маданий ва маърифий меросини, муқаддас қадриятларимизни тиклаш ва ҳаётга қайтариш билан бирга, ҳаётимизни замоннинг энг илғор ютуқ ва мезонлари билан бойитиш, комил инсон, баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия ишини мутлақо янги негизда ташкил этиш, муқаддас динимизга ҳурмат-эҳтиром — фаолиятимизнинг маъно-мазмунини белгилаб келмоқда.

Буларнинг барчаси, аввалambор "Ёш авлодга эътибор — келажакка эътибор" деган, ўз олдимизга қўйган шиор-мақсадларимизнинг биз учун куч-қувват ва руҳий бойлик манбаи бўлиб, эртанги кунимизнинг ишончли пойдевори ва кафолатига айланиши муқаррар.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун биз нақадар нотинч ва таҳликали замонни бошимиздан кечираётганимизга ҳаммамиз гувоҳмиз.

Бундай хатарли вазиятда бизнинг тинчлигимиз ва осуда ҳаётимизни, янги жамият қуриш йўлида астойдил меҳнат қилаётганимизни кўролмайдиган, яқин ва узоқ атрофимизда ёвуз ва разил мақсадлар билан бизга кўз олайтираётган, қўпорувчи ва қабиҳ ҳаракатлардан ҳам тап тортмайдиган кучларнинг борлиги барчамиздан доимо сезгирлик ва ҳушёрлигимизни сақлаб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Бугун озодлигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш аввалambор ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур англаб, тушуниб олиши даркор.

Шу борада сиёсий, ҳарбий, иқтисодий омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи — миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Бу шундай буюк қудратки, тарихда бу кучга таяниб-суяниб, кўплаб халқлар энг мураккаб синовлардан, давр суронларидан омон чиққан ва бошқаларнинг ҳавасини уйғотадиган эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришган.

Шу маънода, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг "Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай буюк куч-қудрат соҳибимиз" деган даъваткор сўзлари барчамизни ўз қадр-қимматимизни англашга, дунёда яккаю ягона бўлмиш Ватанимизни, бетакрор Ўзбекистонимизни севиш ва унга садоқат билан яшашга чорлайди.

Биз миллий ғурур ва ифтихор деганда, бу туйғуни нафақат бугунги муаммо ва қийинчиликларни енгишда, эзгу мақсадларга етиш йўлида суянч сифатида англаймиз, айни пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтиришга, унинг шаънига доғ у ёқда турсин, ҳатто соя туширмасликка хизмат қиладиган ҳаётбахш бир куч сифатида тушунамиз. Ва биз бу вазифани бугунги кунда энг муҳим, энг зарур бурчимиз, деб билишимиз даркор.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало олдимизда турган жиддий вазифалар ва мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш масалалари эътибор марказида турганини чуқур англаб олишимиз керак.

Биринчи галда эл-юртимиз хавфсизлигини таъминлаш, оқни қорадан ажратишга қурбимиз етиши, ҳаётимизда ҳали учраб келаётган лоқайдлик, бепарволик, ўзибўларчилик каби эски асоратлардан воз кечиш, кимдир четдан келиб бизни ҳимоя этади ва оғиримизни енгил қилиб беради, деган қарашларга бутунлай барҳам беришимиз зарур.

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлар ва эркинлаштириш сиёсатини янада чуқурлаштириш, одамларимизни иш билан тўлиқ таъминлаш, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатига кенг имконият ва ҳуқуқий кафолатлар яратиб бериш ва уларни амалга ошириш, айнан шулар ҳисобидан аҳолининг даромадини, оладиган маошларини, пенсия, нафақа ва стипендияларни кўпайтириш — буларнинг барчаси сўзда эмас, амалда давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг долзарб масала бўлиб қолади.

Айниқса, жамиятимизда демократик тамойилларни жорий қилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини замон талабларига мувофиқлаштириш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, аввало, инсон ҳуқуқи, инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган ижобий ишларимизни босқичма-босқич, ҳеч шубҳасиз, охирига етказамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун мен мана шу юксак минбардан туриб, барчангизни бағримга босиб, сизларга, сизларнинг сиймонгизда бутун халқимизга қарата эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Эл-юртимизнинг боши омон бўлсин!

Ватанимизни ёмон кўзлардан, ҳасад ва ғаразли ниятлардан, бало-қазолардан ўзи асрасин!

Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш бахти барчамизга насиб этсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**— Яна бир неча кундан сўнг халқимиз ўз мустақиллигининг 14 йиллигини байрам қилади. Истиқлол йилларида халқимиз мисли кўрилмаган ютуқ ва ўзгаришларга эришди. Ана шу ютуқларимизнинг, Сизнингча, энг муҳими ва улкани нималарда ўз аксини топган?**

— Истиқлол йилларида халқимиз эришган энг улкан ютуқ — мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида сақлаб қолинган ва тобора мустаҳкамланаётган тинчлик-осойишталикдир. Бу, аввало, халқимизнинг эртанги кунига мустаҳкам ишончи демакдир. Негаки, юртингда тинчлик-осойишталик бўлмаса, эртанги кунга ишонч қолмайди, ичадиган бир пиёла чойинг ҳам татимайди. Элдан хайру барака юз ўгиради.

Бизнинг бахтимиз — эртанги кунимиздан, тинч-осойишта ҳаётимиздан кўнглимизнинг тўқлигида. Президент Ислом Каримов фахр-ифтихор билан таъкидлаб айтганидек, халқимиз ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигига ишонади. Инсоннинг энг катта бойлиги, саодати шу — эмин-эркин яшашида, хотиржамлигида! Шунинг учун боболаримиз дуога қўл очганларида, аввало, Яратгандан тинчлик-хотиржамлик тилайдилар.

# ИСТИҚЛОЛИМИЗ — АБАДИЙ

### Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан суҳбат

**— Яқинда Сиз бир гуруҳ шоир, ёзувчи, олим, депутат ва сенаторлар билан Қашқадарё вилоятида бўлиб, кўплаб учрашувлар ўтказиб қайтдингиз. Ўша сафар таассуротлари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Сафардан мақсадимиз — мустақиллик байрами арафасида юртдошларимиз билан учрашиб, самимий суҳбатлар қуриш, жойларда бўлаётган ўзгаришлар билан танишишдан иборат эди. Қарийб йигирма кунга чўзилган сафаримиз чоғида вилоятнинг биз бормаган шаҳару қишлоғу кам қолди. Одамлар билан жуда кўплаб қизиқарли суҳбатлар, учрашувлар ўтказдик. Ана шундай гурунгларимизнинг бирида оппоқ соқоли кўксига тушиб турган бир отахон айтдиларки, мен иккинчи жаҳон урушини ҳам, Сталиннинг қатағонларини ҳам кўрдим. Одам боласи жисмига етган қийноққа чидар экан. Аммо, англаганим шуки, ҳаммасидан ёмони — дил яраси, бировнинг қош-қовоғига қараб яшашдан оғир азоб йўқ. Шунинг учун Президентимизнинг, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди, деган гапи барчамизнинг кўнглимиз қат-қатигача етиб борди. Яхши кунларимизни кўролмаётганлар, бизни ўзига қарам қилишга уринаётганлар, билсинки, қора ниятига етолмайди. Биз энди дўст — ким, душман — ким, яхши биламиз.

**Давоми иккинчи бетда.**

# САМАРҚАНД — ШАРҚНИНГ ҚАЛБИ

**Қадимий ва мафтункор Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ниҳоясига етди.**

**Самарқанд овозаси бугун бутун дунёга таралган, бу мафтункор ўлкани келиб кўриш, қадимий обидаларини, мустақиллик шароитида бунёд этилаётган янги-янги иншоотларини томоша қилиш кўплар учун энг улуғ орзу, десак муболаға бўлмас. Дарҳақиқат, бугун Самарқанд нафақат мовий гумбазлари билан, айни чоғда дунёдаги замонавий маданият ўчоқларидан бири сифатида катта нуфузга эга. Шу сабабли ҳам «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётир. Жаҳон миқёсида ўтказиладиган бундай маданий-маърифий тадбирлар ичида ўзига хос мавқега эга.**

— Самарқанд деганда кўз ўнгимизда сирли ва улуғвор Шарқ олами намоён бўлади, — деб таъкидлади фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов. — Бу буюк шаҳар ўзининг икки минг етти юз йиллик шонли тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ва ўлмас руҳини, унинг меъморлик санъати, бой маданиятини ўзида мужассам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Шунинг учун ҳам, мана, саккиз йилдирки, биз «Шарқ тароналари» деб ном олган, Шарқнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, классик мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қиладиган бу анжуманни айнан мана шу фусункор шаҳарда ўтказиб келмоқдамиз.

Бундай муваффақиятнинг сабаби бу гал бешинчи бор ўтказилган халқаро мусиқа фестивалининг мақсад-муддаоси билан боғлиқ. Бу анжуман, энг аввало бугунги мураккаб шароитда, дунёнинг барча минтақаларида тинч-тотув ҳаёт, бир-бирини тушуниш, бағрикенглик, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун чинакамига кураш бораётган бир шароитда мусиқа санъатининг имкониятлари нақадар юксак эканлигини урғулаш, одамлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотишдан иборат.



«Шарқ тароналари» фестивали мустақиллик йўлидан фаровонлик сари изчил ва қатъий одимлаётган, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб, бу мавқени тобора мустаҳкамлаётган халқимиз маданий ҳаётидаги энг табаррук воқеалардан бири бўлиб қолганлиги шубҳасиздир. Дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатларидан келган меҳмонлар халқимизнинг бугунги ҳаёти, орзу-умидлари, миллий қадриятлари, истиқлол йилларида эришган ютуқлари билан ҳам танишдилар. Самарқанд Шарқ дарвозаси сифатида уларга бағрини очди.

"SHARQ TARONALARI" XALQARO MUSIQA FESTIVALI • SAMARQAND • INTERNATIONAL MUSIC FESTIVAL "SHARQ TARONALARI"

Фестивал якунларига кўра, ўзбекистонлик Нодира Пирматова, ва озарбойжонлик Айгун Бей биринчи мукофот эгаси бўлдилар. Иккинчи мукофот мўғулистонлик Урнаа Чахар Тукчи ва Италия ҳамда Қувайтдан келган санъаткорларга берилди. Исроил, Бангладеш ва Корея Республикаси санъаткорлари ижро маҳорати учинчи мукофотга муносиб кўрилди. ЮНЕСКОнинг махсус соврини афғонистонлик санъаткорларга, фестивал ҳайъатининг махсус соврини эса Миср Араб Республикаси ижрочиларига насиб этди.

Маълумки, анъанага мувофиқ, фестивал давомида ҳар бир мамлакатдан келган санъаткорлар ўз миллий қўшиқ ва мусиқаларини ижро этдилар. Нодира Пирматова ва Айгун Бей ижро этган қўшиқлар фестивалнинг энг яхши миллий қўшиқлари деб эътироф этилди.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов, Самарқанд вилояти ҳокими Мамаризо Нурмуродов иштирок этди.

Наби АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
Республика Ёшлар театри бадиий раҳбари

# ИСТЕЪДОДСИЗ МИЛЛАТ ЙЎҚ



Аслида ижодкор бирор асар устида ишлар экан, ижодининг қандай тақдирланишини кутиб, бирор мукофот оламан деб, манфаат кўзлаб ишламайди. Ижодкор ҳар қандай манфаат жодусидан озод бўлсагина, замонларга татийдиган ҳақиқий санъат асарини ярата олади.

Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Бизнинг соҳамизда эса тан олинган шундай ҳақиқат борки, бу ўз касбини фидойиларча севиш, сўнмас ҳайратларнинг асирига айланиб, унинг шайдоси бўлиш. Яъни гўзалликни ҳис қилган одамгина, ҳаётга гўзаллик олиб киришга қодирдир.

Шундай бўлса-да, кимдир сенинг меҳнатингни, изланишларингни кузатаркан, ҳаловатсиз онларингни қадрлаб, тақдирлар экан, бу ишонч зиммангдаги масъулият юкини янада оғирлаштиради... Демак, олдинда бундан-да залворлироқ ишлар кутяпти. Шу маънода куни-кеча Президентимиз фармонлари билан менга берилган юксак унвон фақат менгагина эмас, театримиз жамоасига ҳам эътибор деб биламан. Чунки театрдаги муваффақият биргина одамнинг эмас, балки бутун бир ижодий жамоанинг меҳнати самараси демакдир. Буларнинг бари томошабин учун хизмат қилади.

Театримизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, жаҳон санъатининг мезонларидан келиб чиққан ҳолда, мавзу кўламининг кенглигига қараб асарларни саҳналаштирамиз. Шунинг учун ҳам бошқа мамлакатларда, жумладан, Москва ва Санкт-Петербург каби жаҳон театри ривожланган шаҳарларда тез-тез ижодий сафарда бўламиз ва ҳар йили халқаро фестивалларда муваффақиятли қатнашиб келяпмиз. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, фестивалларда ютуқ ва камчиликларимиз яққол кўзга ташланади. Бунда театрлар бир-биридан ўрганади, тажриба алмашади. Эндиликда биз уларнинг «севимли Ўзбекистони»га айланганмиз. Санъатнинг қудрати ҳам мана шунда-да. Истеъдодсиз миллат йўқ. Фақат мана шу истеъдодни тўлалигича намоён этиш ва кашф қилиш учун унга эътибор керак. Шундагина талант ҳеч қачон хор бўлмайди.

Санъат аҳли ҳамиша классикага эҳтиёж сезади. Классик асарнинг ҳақиқий қиймати, унинг барча замонлар учун яратилганидадир. Айни пайтда Мольернинг «Тартюф» асари устида ишлаяпман.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда кўпгина тадбирлар уюштирдик. Жумладан, «Қабоҳат тузоғи — XXI» («Содом ва Гоммора»)пластик шоу-спектаклини олайлик. Бугунги кунга келиб, гиёҳвандлик деб аталмиш қора вабо инсонлар келажагини барбод этишга ҳаракат қилмоқда.

Бу спектаклда «Қуръон» ва «Инжил»даги Лут алайҳиссалом афсонаси мисолида инсониятнинг бугунги фожеасини кўрсатмоқчи бўлганмиз. Мақсад ёшларнинг келажакда баркамол инсон бўлиб етишишига ёрдам бериш ва уларни «қора вабо» балосидан асрашдир. Баҳорда Москвада бўлиб ўтган Чехов номидаги халқаро театр фестивалида бу спектаклимизни у ердаги театршунослар ва томошабинлар яхши қабул қилишди.

Шаклан жаҳон замонавий театр санъати андозаларига эргашсакда, спектаклларимизнинг моҳиятига барибир миллийлик сингдирилади. Барча халқларга, турли миллат вакилларига тушунарли бўлиши учун рақс ва мусиқа билан бойитамиз. Шу орқали айтмоқчи бўлган фикримизни айтиб, инсонларни маълум лаҳзалар эвазига бўлса-да, руҳан бир-бирига муштарак эканлигини, қисматлари занжирдек бир-бирига боғлиқлигини ҳис қилдиришдир. Бунинг уддасидан чиқа олишнинг ўзи санъаткор учун катта мукофот.

# УСТОЗЛАРГА ЭРГАШИБ...

Давлат Санъат музейида мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрамига бағишланган «Дўстлик қаноти» номли кўргазма очилди. Кўргазмада ёш рассомлар Миродил Ёқубов ва Фахриддин Паттаховларнинг миниатюра ва рангтасвир йўналишидаги сара асарлари намойиш этилмоқда.

Бу икки рассомнинг ўз ифода усули бўлиб, бир-бирини такрорламайди. Суратларни кўздан кечириб, машҳур рассомлар Чингиз Аҳмаров ва Неъмат Қўзибоевларнинг муносиб издошлари етишиб келаётганидан хурсанд бўламиз.

Кўргазма баҳона рассомлар билан қисқача суҳбат қилишга жазм этдик.

— **Миниатюра жанри жуда кўп меҳнатни, изланишни талаб этади. Шунга қарамай, айнан миниатюрани танлабсиз,** — дея мурожаат қилдим М.Ёқубовга.

— Биласизми, миниатюрага ёшлигимдан қизиқаман. Адабиёт музейига борганимда Чингиз Аҳмаровнинг деворга ишлаган суратларини кўриб ҳайрат оғушида қолганман. Бу тасвирлар қалбимни бир умр сеҳрлаб қўйди. Устозимдек рассом бўлишни орзу қилиб, йиллар давомида тинимсиз меҳнат қилдим, изландим. Хусрав Деҳлавий, Низомий китобларига ишланган миниатюра асарларини қайта-қайта томоша қилиб, улардан катта мадад, руҳий озиқ олдим. Кўриб турғанингиздек, изланишларим зое кетмади.

**Давоми тўртинчи бетда.**



## Маданий ҳаёт

Республикамиз Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида Наманган шаҳрида анъанавий "Гул байрами" бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳар ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимидаги барча муассасалар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, мактабгача тарбия муассасалари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

**Ф.ҲОШИМХОНОВ**

* * *

Пойтахтимиздаги Халқ амалий санъати музейида заргар, кандакор ҳамда таъмирловчи усталар — Фасиҳиддин Дадамуҳамедов ва Абдурашид Мадалиевларнинг шахсий кўргазмаси очилди. Икки устанинг асарлари орасида тилла, кумуш, мис каби металлардан ясалган ва қайта таъмирланган қилич, самовар, ғаладон, чой идиш, қутича, зебигардон, зирак, узук, тиллақош каби турли буюмлар бор. Ўтган асрларда ясалган ва бугунги кунгача етиб келган кўплаб буюмларнинг қайта таъмирланиб, намойиш этилиши кўргазмага ўзига хос жозиба бахш этган.

**М.АКРОМОВ**

# ХАЛҚИМИЗНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ



Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигининг 14 йиллигини катта зафарлар билан кутиб олди. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси кундан-кунга чирой очиб бораётгани, иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сураётгани истиқлолимизнинг буюк шарофатидир. Ўтган ўн тўрт йил мобайнида тарихан юз йилларга татигулик ишлар рўёбга чиқарилди. Ғалла ва нефт мустақиллигига эришилгани, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида буюк истиқлолнинг самаралари тўла намоён бўлаётгани — бу бизнинг энг катта бахтимиздир.

Байрам арафасида юртимизда йирик бунёдкорлик иншоотлари фойдаланишга топширилди. Шаҳар ва қишлоқларимиз муҳташам саноат корхоналари, кенг ва обод йўллар, улкан кўприклар, янги боғ хиёбонлар билан янада гўзаллашди. Айниқса, пойтахтимиз қиёфаси ўзгариб, юртдошларимиз ва меҳмонларимиз кўзини қувонтирмоқда. Бу йилги мустақиллик байрамининг асосий тантаналари ҳам пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғида бўлиб ўтди. Алишер Навоий ҳайкали, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси биноси ва "Халқлар дўстлиги" саройи оралиғидаги муҳташам томоша мажмуи бетакрор гўзалликка бурканди. 31 август оқшомида бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари ташриф буюрдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мустақиллигимизнинг ўн тўрт йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этди.

Майдонда давлатимиз мадҳияси янграб миллий байроғимиз мавжланди. Улкан экранда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улуғ ишлар, халқимизнинг залворли ютуқларини акс эттирувчи лавҳалар намойиш этилди.

Миллий ўзлигимизни тарғиб этувчи бадиий дастурда мумтоз ашулалар, куйлар, лапар ва яллалар янгради. Юртимизда истиқомад қилаётган турли миллат ва элатларнинг вакиллари ҳам ўз санъатларини намойиш этдилар. Эстрада намояндаларининг чиқишларида эса миллатимиз ва халқимизни улуғловчи, мустақиллигимизни, озод Ватанимизни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради. Пойтахт осмонида ранго-ранг мушаклар порлаб, истиқлол шукуҳини янада сарбаланд этди.



Озод халқимизнинг улуғ шодиёнаси — Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги тантаналари юртимизнинг барча вилоят ва туманларида, шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

***Суратларда:* Мустақиллик байрами танталаридан лавҳалар.**

*Д.ЮСУПОВ, Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.*

# ИСТИҚЛОЛИМИЗ — АБАДИЙ

*Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла ОРИПОВ билан суҳбат*

**Боши биринчи бетда.**

Мамлакатимизнинг чекка қишлоғида яшайдиган отахоннинг бу эътирофи давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсат замирида халқимизга хос орият, бағрикенглик ва инсонийлик мужассам эканлигидан яна бир далолатдир.

Бугун Ўзбекистон катта тўйга ҳозирлик кўраётган оилага ўхшайди. Қайси қишлоқ ёки маҳаллага борсангиз, қурилиш, таъмирлаш, ободончиликнинг устидан чиқасиз. Бу қишлоқда муҳташам коллеж бунёд этилаётган бўлса, наригисида замонавий мактаб ёки спорт мажмуи қад ростлаяпти, бошқасида эса янги ташкил этилган замонавий корхона юзлаб ишчи-хизматчиларга эшикларини очишга шайланмоқда. Бу маҳаллада янги кўприк устига чироқ ўрнатилаётган бўлса, қўшнисиникида кўчаларга асфальт тўшалмоқда. Кимнингдир боғ яратиш ниятида ерга ишлов бераётганига гувоҳ бўлсангиз, яна кимнингдир янги қурилган уйига ҳовли тўйи қилаётганидан қувонасиз.

Энг азиз, энг улуғ байрамимиз арафасида янги тўқимачилик корхоналари ишга тушганига барчамиз гувоҳмиз. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти чекка туманларда жойлашган. Демак, яна минглаб опа-сингилларимиз ишли бўлди. Деҳқонларимиз уйган ғалла хирмони олти миллион тоннадан ошди. Бу — мисли кўрилмаган воқеа. Биргина Қашқадарё вилоятида бу йил 850 минг тонна ғалла етиштирилди.

**— Бу — фермерликнинг шарофати.**

— Аввало, истиқлолимизнинг шарофати... Сурхондарёнинг Сариосиё туманида яшовчи бир фермер дўстим бор. Айтишича, унинг ғаллазори тожикистонлик деҳқонларнинг ерига туташ — чегарадош. Бир дарёдан сув ичади. Сариосиёлик фермер гектаридан 50-60 центнердан зиёд ҳосил олса, қўшни мамлакатдагиларники 10-11 центнердан ошмайди. Ери — бир хил, суви — бир хил. Фақат меҳнатга муносабати — ҳар хил. Ўзбек деҳқони илгаригидек, донига мита тушса ҳам, менга нима, давлатники-ку, деб парвойи палак юрмайди. Колхозчига ўхшаб юқоридан буйруқ кутмайди. Экинини ўз вақтида суғоради, бегона ўтдан тозалайди, ўғит беради. Шунга яраша самараю роҳатини ҳам кўради. Бу йил Қашқадарё вилоятида 450 минг тонна ғалла деҳқонларнинг ўзида қолдирилгани бунинг исботи.

Биз — бунёдкор халқмиз. Соҳибқирон бобомиз бундан етти аср бурун айтган гапни бугун биз, ул зотнинг набиралари ҳам, баралла такрорлашимиз мумкин: Кимки қудратимизга шубҳа қилса, қураётган иморатларимизни келиб кўрсин!

Бу фахр-ифтихор замирида Юртбошимизнинг: "Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз!" деган гапи мужассам эмасми!

**— Абдулла ака, Сиз чет мамлакатларга тез-тез бориб турасиз...**

— Бундай сафарлар чоғида кўп нарсани ўрганасан киши. Ўз халқингнинг ҳаётини, нархи-навосию обиҳавосини бошқаларникига солиштирасан. Масалан, қайси йили Токиода бўлганимда, японлар ҳаётини яхши билмоқчи бўлсангиз, қишлоқларимизни кўринг, дейишди. Кўрдим. Ўзбек қишлоқларидек обод, саранжом, саришта, чиройли. Фарқи — техникаю технологияси зўрроқ. Истиқлол йилларида бизнинг қишлоқлар ҳам ана шундай замонавий қиёфа касб этиб бораётганидан кўнглим тоғдай кўтарилади. Ахир, қурган уйинг баланд бўп кетибди, болахонасини ўпириб ташла, деган дағдағалар ҳали эсимизда! Бугун давлатимиз раҳбари ўзи чиройли, қулай, замонавий, мустаҳкам уй-жойлар қурайлик, деб турибди. Шу мақсадда "Ипотека банки" ташкил этилиб, энг қулай шартларда кредитлар бериляпти. Пахсаю гуваладан тикланган турар-жойлар ўрнини муҳташам иморатлар эгаллаяпти.

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги бозорлардан бирига кирдим. Айни пишиқчилик эмасми, ҳамма ёқ — мева-чева, тўкин-сочинлик. Ҳар тарвузки, қучоққа сиғмайди. Қовуни лабни ёради. "Тарвузнинг донаси 100 сўмдан", деди сотувчи. Шунда Арабистонга борганимда бир қути сигаретни беш доллардан олганим ёдимга тушди. Ҳисобладим: икки қути сигаретга бир машина тарвуз берар экан.

Бу — тўкинлик ва арзончилик еримизнинг сахийлиги, Ватанимизнинг ободлиги, халқимизнинг меҳнаткашлигидан.

Юртимизда юз бераётган ўзгаришлар кишиларимизнинг кўнглини кўтармоқда. Одамлардаги эски замондан қолган ҳадиксираш ўрнини дадиллик эгалламоқда. Бу, аввало, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар билан ҳам боғлиқ. Мазкур тизим жазо берувчи эмас, аввало, фуқароларимизнинг дарду муддаосини тинглайдиган ва амалий ёрдам берадиган ҳақиқий кўмакдошга айланмоқда.

Истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқлар ҳам, амалга оширишни ният қилиб турган хайрли ишлар кўлами ҳам беҳад кенг, аҳамияти жуда катта, моҳияти эса ниҳоятда теран. Бу мамлакатимизда ҳукм сураётган мустаҳкам тинчлик-осойишталикнинг самарасидир. Шунинг учун биз, аввало, ана шу бебаҳо неъмат — тинчлик ва осойишталик учун шукроналар айтмоғимиз даркор. Чунки шу таҳликали замонда бунга эришишнинг ўзи бўлаётгани йўқ. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик Президентимиз Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсатнинг натижасидир.

**— Аммо халқимиз эришаётган ютуқларни кўролмаётган, тинчлик-осойишталигимизга рахна солишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас...**

— Бунга шу йилнинг май ойида Андижонда юз берган террорчилик хуружи ва ундан кейин хориждаги баъзи оммавий ахборот воситаларида Ватанимизни бадном қилиш ниятида бошланган информацион уруш мисол. Бу талвасаларнинг ортида турганларнинг нияти битта — Ўзбекистонни, халқимизни ўз йўриғига юргизиб, ер ости ва ер усти бойликларимизга хўжайинлик қилиш.

Уларнинг бирлари ўзининг бундай қора ниятини дин ниқоби билан яширса, иккинчилари демократияни пеш қилади. Қуръон инсонни тараққиётга чорлайди. "Халифачилар" одамларни ортга — зулматга қайтармоқчи бўлса, "демократия пешволари" эса ўз ҳаёт тарзини — "қолипи"ни бизга мажбурлаб тиқиштирмоқчи бўлади: менга ўхшаб яшайсан?

Бундай дейишнинг ўзи ўта маданиятсизлик, жоҳиллик! Мени демократ дейишлари учун, масалан, Ғарбдагидай кучугимни уйимга олиб кириб, у билан қучоқлашиб ётишим керакми? Агар шу демократия бўлса, унда ҳалол, ҳаром деган муқаддас тушунчаларимиз қаерда қолади?!. Айни пайтда бу шундай турмуш тарзига кўниккан аҳли Ғарбнинг устидан кулиш ҳам эмас. Зеро, оила тобора нисбий тушунчага айланиб бораётган Мағрибда фарзандлар вояга етгач, ота-онасини ташлаб кетиши оддий ҳол. Ота-онанинг фарзандлари, ўғил-қизларнинг эса ўз волидаю падари билан иши бўлмайди. Йигит-қизларнинг оила қуришга мойиллиги кам. Унга ортиқча ташвиш сифатида қарайди. Бунинг устига, жинсдошларнинг никоҳдан ўтаётганига нима дейсиз?

Бизда эр-хотин ўртасида жанжал чиқса, Ғарбдаги каби судга эмас, одатда, маҳалла оқсоқолига мурожаат қилинади. Маҳалла-кўй аралашиб, уларни яраштириб қўяди. Ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром кучли бўлган халқимизнинг бу одатини баъзи "демократлар" "маҳалла диктатураси" деб атаётгани кулгингни қистайди. Бу каби одатларимизнинг замирида неча минг йиллар мобайнида шаклланган миллий қадриятларимиз мужассам: диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма.

**— Хориждан чиқаётган бундай хуружлар барчамизни янада ҳушёрликка, огоҳликка ундайди.**

— Албатта. Буни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 19 август куни ўтган мажлисида сўзлаган нутқида ҳам алоҳида таъкидлади. Бугун бизнинг энг катта душманимиз лоқайдлик эканлигига барчамизнинг эътиборимизни яна бир бор қаратди. Ёвузликка қараб индамай тураверишга "йўлтўсар"га "мени урганингизда қўлингиз оғримадими?" деб хушомад қилишдай гап. Бу дунёда шундай сир-синоатлар борки, барчасини дафъатан англаб етиш мушкул. Халқаро майдондаги ана шундай найранглар биздан чапдастликни, ҳушёрликни ва доноликни талаб қиляпти.

АҚШ Қашқадарё вилоятидаги "Хонобод" аэродромига вақтинча жойлаштирилган ўз ҳарбий-ҳаво кучлари чекланган контингентини олиб чиқиб кетмаслик, боз устига, уларга берган жойимиз учун сарфлаган харажатларимизни қопламаслик мақсадида минг бир баҳонани ўйлаб топаётир.

Бундай найранглар, хуружлар ва дўқ-пўписалар халқимизни қўрқита олмайди. 14 йил бурун ўзи танлаган йўлдан қайтаришга ҳеч кимнинг қурби етмайди. Истиқлолимиз — абадий. Бу борада ҳеч қандай шубҳа-гумонга ўрин йўқ.

**Қ.ОЧИЛОВ**
**суҳбатлашди.**

# ОРЗУДАГИ ШАХС

## ёки ЭВРИЛИШНИНГ ТЎРТ НУҚТАСИ

Адабиёт ҳамиша идеал излайди. Романтик йўл биланми, реалистик тарздами, қатъи назар, ибрат бўладиган қаҳрамон тимсолини яратишга интилади. Турли бадиий, яъни тасвирий-ифодавий йўллар, воситалар, усуллар, умуман, сўзнинг кўп қиррали имкониятларидан фойдаланиб, ошкорми-зимданми, бевоситами-билвоситами, гўзаллик ва эзгуликни тарғибу ташвиқ этади.

Мураккаб ва мушкул тарафи шундаки, гўзаллик ва эзгулик ҳар қанча абадий тушунчалар бўлмасин, замон ўзгариши билан бу мафҳумларнинг мезонлари ҳам тағйир топа боради. Ёки аксинча – қарашларнинг янгиланиши замоннинг ўзгарганини билдиради.

Халқимиз бу кўҳна тарих жараёнларида кўп-кўп ва турли-турли ўзгаришларни ўз бошидан кечирди. Лекин Истиқлол — мамлакат ҳаётидаги ўта муҳим, ҳаётимизда туб бурилиш ясаган ниҳоятда улкан воқеа. У амалда фикрларимизни чилпарчин қилиб, дунёқарашимизни бутунлай ўзгартириб ташлаш, онгимизни тамоман бошқа ўзанга буриб юбориш, ҳаётга, давлатга, халққа, шахсга муносабатдаги етмиш тўрт йил мобайнида зўр бериб шакллантирилган сунъий деворларни бузиб юборишга қодир куч.

Шундай бўляпти ҳам.

Ўн тўрт йил бурунги "мезонлар чироғи" билан адабиёт хазинасига кирган кимсанинг бугун учун керак бўладиган бирор нимарса топиб чиқишига ишонасизми?

Истиқлол биз кўниккан қолипларни синдириб ташлади.

Аввало, сиёсий қарашларимиз ўзгарди.

Тушундикки, улуғ рус империясини тузиш ва кучайтириш ғояси йўлида курашган, мамлакати ва халқи учун хизмат қилган Буюк Пётр ҳақида роман ёзиб, давлат мукофоти олиш мумкин бўлган бир замонда Соҳибқирон Амир Темурни, лоақал омади гап тарзида тилга олиш ҳам гуноҳи азим саналишидек адолатсизликка йўл қўймаслик учун бир миллат иккинчисига қарам бўлмаслиги керак экан.

Сиёсатчилар XX асрни миллий давлатларнинг пайдо бўлиши асри ҳисоблайди. Миллий давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида халқаро мезонлар асосида халқимиз манфаатини ҳимоя қилиш ва шу йўлда сиёсат юргизиш у ёқда турсин, айни гапни айтишнинг ўзига ҳам ҳуқуқимиз йўқ эди.

Демократия, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат тушунчалари шунчаки сўзлар эмас. Ҳар бири – бир улуғ ғоя. Остида халқнинг катта кураши, интилиши, меҳнати ётибди.

Ўтган йиллар мобайнида улкан сиёсий ислоҳотлар амалга ошди. Тафаккуримизга бутунлай бошқача сиёсий онг кириб келди.

Бир замонлар адабиёт хусусий тарзда фаолият юритаётган деҳқонни қоралаб, уни жамоа бўлиб ишлашга даъват этган. Энди эса жамоавийликдан хусусийликка, меҳнат маҳсулидан бевосита манфаатдорликни кучайтирадиган механизм яратишга уриниб ётибмиз. Демак, иқтисодий қарашларимиз ҳам ўзгарди.

Социализм, назаримда, чўл ҳудудларини суғориш тизимида ишлатиладиган бетон ариқларга ўхшар эди. Сув тез оқади, лойқаланмайди, қумларни қўшиб сурмайди, ўзанини ўзгартирмайди, қирғоқларни ўпириб кетмайди... Бироқ омонат: биттаси ёрилса ё тешилса, тамом — алмаштирмагунингча сув ундан нари ўтмайди. Бозор иқтисодиёти башариятнинг асрлар мобайнидаги тараққиёти даврида ўз оқими билан ривожланиб келган табиий иқтисодий тизим. Уни табиий равишда баланддан пастга қараб оқадиган дарёга қиёсласа бўлади. Албатта, унда бир текислик йўқ, илон изи бўлиб кетган, ўйдим-чуқурлари кўп, гумлари, саёз ерлари ҳам бўлади. Лекин тўхтаб қолмайди — маромини топиб, оқаверади.

Қатъий хулосам шуки, агар юртимизда чорак кам бир аср "социалистик эксперимент" ўтказилмаган бўлса эди, халқимиз табиий равишда бозор иқтисодиётининг ҳозиргидан кўра юқорироқ поғонасига аллақачон чиқиб олган бўлур эди.

Савдо, умумий овқатланиш, транспорт, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг айрим соҳаларида бозор иқтисодиётига ўтиш жадалроқ кечаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бозордан ризқ излаган тадбиркорни бирор кимса эрта азонда ширин уйқусидан зўрлаб уйғотаётгани йўқ. Улар сиз тепадан туриб тузиб берган режангизга қараб ўтиришмайди.

Миллатга, унинг тили, тарихи, мероси, анъаналари, қадриятлари, бугуни, борингки, келажагига муносабат батамом бошқа маъно-мазмун касб этди. Дин жамиятда ўз тарихий-маънавий ўрнини эгаллади. Сунъий равишда кўмиб ташланган маънавий булоқларнинг кўзи очилди. Ўтмишидан нафратланиш, орланишга маҳкум этилган элнинг кўкрагига шамол тегди: аксинча, у энди инсоният тамаддуни тараққиётига асрлар мобайнида қўшган улкан ҳиссаси билан фахрланишга ўтди. Кўриниб турибдики, маънавий қарашларимиз ҳам ўзгарди.

Ўзбекистоннинг энг катта маънавий ютуғи шуки, айнан Истиқлол йилларида бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакилларидан иборат аҳоли бир халқ бўлиб уюшди. Бугун тўйларимиз, таомларимиз, рақсларимиз, меҳмондорчиликларимиз ҳам ўзимизга хос — келиб чиқиши бошқа миллатларга мансуб фуқароларимиз ҳаётини ҳам ўзбекона турмуш тарзидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Базмларимизни кузатинг, миллатидан қатъи назар, Хоразм лазгисига ҳамма бир хил рақсга тушади...

Англаб етдикки, миллий мафкура дегани ҳар бир мамлакат халқининг ўз орзу-мақсадлари, манфаатлари, интилишлари, қизиқишлари ҳимояси ва амалга ошишига қаратилган ғоялар тизими экан. Ким дарахтнинг ўзи ўтирган шохини кесади? Манфаатинг бирми — бас, ғоянг ҳам бир бўлади. Ҳар қандай ғоявий бирлик эса мафкурани шакллантиради. Шу тариқа мафкуравий қарашларимиз ҳам ўзгарди.

Бу тўрт нуқтани жуда умумий тарзда санаб ўтдик, холос. Аслида, ҳар бирининг моҳиятида олам-олам мазмун бор.

Бугун "замонамиз қаҳрамони" ҳақида гапирамиз, ҳар биримиз уни ўзимизча излаймиз. Машҳур бир адиб XIX асрда буюк асарини айнан шу ном билан атаганини ҳам яхши биламиз. Майли, бу атама кимгадир эски, муайян қолипдаги тушунча бўлиб туюлди, ҳам дейлик. Хўш, уни соддароқ қилиб, "орзудаги шахс" дейишга ҳаққимиз бордир!

Мушкулот шундаки, бу шахсни айнан ана шу сиёсий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий ўзгаришлар жараёнидан излашга мажбурмиз.



Ростини айтганда, ҳали бугун онгимизда айнан қайси тушунчалар эскию нималар янги эканини аниқ белгилаб берадиган ускуна ишлаб чиқилмаган. Эврилишлар замонининг қонунияти шу: ҳаммамиз шу қоришиқ тушунчаларимиз билан яшаяпмиз. Фарқи шуки, қай бирларимиз эски қарашларимизнинг кўпроғидан "қутулиб", янгиланганмиз, айримларимиз эса озроғидан...

Ҳар бир янги замон икки жиҳатдан холи бўлолмайди.

Биринчиси – эски замон қолдиқлари. Мулоҳазаларимиздан ҳам маълум бўлдики, бизда шўро давридан қолиб келаётган чигалликлар етарли даражада. Бир хиллари, аксинча, тоза болалаганидан ҳам тонсак, куппа-кундузи бир-биримизнинг кўзимизга тик қараб ёлғон гапирган бўламиз. Масалан, совет давлати халқнинг эркини бўғиб, шахс равнақига муттасил халақит бериб келган эди. Давлат ташкилотлари номидан иш юритаётган айрим шахслар ҳозир тадбиркорликка тўсиқ бўлмаяптими? Ўзбекистон Республикаси Президентининг бундай тўсиқларнинг олдини олишга қаратилган изчил фармон ва қарорлари бекорга чиқарилаётгани йўқ.

Иккинчиси – янги замон иллатлари. Уларни бугун сезмай ўтаётган киши кам топилса керак. Байрам кунида бундай нарсаларни бир-бир санаб ўтириш одобдан эмас.

Жамият ана шу икки тур муаммога қарши кескин ва изчил кураш олиб боришга мажбур, чунки улар асл мақсадимизга тўсиқ бўлиб келяпти. Бу курашда адабиёт четда турмаслиги учун қалам аҳли, ҳамма замонларда талаб этилгани каби, элнинг олдига тушиши керак. Фикран, ғоявий жиҳатдан ҳам, амал, яъни ибрат маъносида ҳам, ҳар қандай давр каби, Истиқлол замони ҳам адабиётимиз олдига сон минг вазифа ва мавзу қўйди.

"Домланинг айтганини қил, қилганини қилма" деган мақол ҳам, "Муаллифнинг асарини ўқи, шахси билан ишинг бўлмасин" деган ақида ҳам — хато. Ҳали адабиёт тарихи ўзи ишонмаган, амал қилмаган, демак, ёлғон, сохта ғоясини тарғиб этиб, чинакам мухлис топган қаламкашни кўрган эмас.

Халқимиз ўн тўрт йилда босиб ўтган шонли давр танлаган демократик йўлимиз нақадар тўғрилигини кўрсатди. Йўл тўғри бўлса, бас: унинг ўйдим-чуқурларини тузатиш мумкин. Ёруғ манзиллар сари интилишлар каҳкашонида муқаддас сўзнинг ўрни ва аҳамияти алоҳида эканини унутмаслигимиз зарур.

**Султонмурод ОЛИМ**

# ТЕРАН ТАДҚИҚОТ — МЕТОДОЛОГИК АСОС

**1. Мустақиллик йилларидаги адабий танқиднинг асосий хусусиятлари қандай?**
**2. Танқидчилик соҳасидаги камчиликлар нималардан иборат?**

1. Аксарият адабиётшунослар мунаққидлар адабий танқид жорий адабий жараён билангина шуғулланишини айтмоқдалар. Агар адабий танқид фақат ҳозирги жараён билангина шуғулланса, танқидчилик жўн соҳа бўлиб қоларди. Адабий танқиднинг салмоғи, талқину баҳолаш имконияти ҳамиша боқий асарларни ўқиб, ўрганиб боришида намоён бўлади. Адабий танқидчи миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналарини билиши, улар онтологиясида рўй бераётган ўсиш, ўзгаришларни ҳамиша ҳис этиб бориши керак. «Шоҳнома», машҳур «Хамса»лар, «Бобурнома»; Шекспир, Гёте, Байрон, Пушкин, Достоевский, Л.Толстой сингари санъаткорлар яратган қадриятларнинг талқину баҳоланишини айтиб адо қилиш қийин.

Мустақиллик йилларида бадиий қадриятларни ўқиш, уқиш, талқин-таҳлил этиш асосий масалага айланди. Алишер Навоий асарларини ўқиш, уқиш, ёш авлод руҳиятига сингдириш масаласи Президентимиз томонидан жиддий масала қилиб қўйилганлиги энг улуғ гап бўлди. Муҳими, Навоий асарларини ўрганиш, талқин этиш доимий долзарб масала бўлиб қолди. Буюк Навоий асарларини ўрганиш ўзбек учун юксак шараф, ўзликни англашдир.

**Ўзбек ўзлигини англаса бекам,**
**Унинг «Баракалла» бўлгани гулдир.**
**Оламга Навоий наслиман деган**
**Овози баралла бўлгани шулдир.**

***(Эркин Воҳидов)***

Навоий бадиий оламини кашф этган ўзбек энг юксак маданият, билим, маърифат эгаси бўлишига шубҳа йўқ.

Мустақиллик йилларида Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом бадиий олами қайта кашф қилинди. XXI аср авлоди XX асрнинг улуғ санъаткорлари асарларини ўқиши, уқишига шубҳа йўқ. Ўзбек адабиётшунослари Гоголнинг «Тарас Булба» асарини, Аҳмад Дониш меросини талқину таҳлил этдилар. Ҳар бир билағон, маданиятли адабиётшунос жаҳон адабиёти дурдоналарини талқин қилиб, ўзлигини намоён этиши мумкин.

Мустақиллик йилларида биографик методда яратилган асарлар эътибор топаяпти. Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Бегали Қосимов сингари адабиётшунослар XX аср ёзувчилари ҳақида сермазмун биографик асарлар яратдилар. Б.Карим, Н.Жабборов, Р.Тожибоев сингари ёш тадқиқотчилар биографик методда яратилган асарлар сонсалмоғини орттирмоқдалар.

Ўзбек адабиётшунослари бадиий қадриятларни кимлар талқин қилаётганига, бадиий адабиёт сир-асрорларини ўқувчиларга, талабаларга кимлар етказиб бераётганига ҳам эътибор қаратмоқдалар. О.Шарафиддиновнинг Ю.Тоҳирий, С.Қосимов, С.Азимов, З.Мирҳожиев, М.Содиқов, ака-ука Воҳидовлар ҳақидаги очерклари китобхонда қизиқиш уйғотди. Ҳ.Ҳомидийнинг Н.Маллаев, Б.Қосимовнинг Ғ.Каримов ҳақидаги бадиалари эсда қолди.

2. Танқидчиликда, адабиётшуносликда айтилган салмоқли, асосли фикрлар қўлланма, дарсликларга киритилади. Мен ўзбек адабий танқидчилиги ҳақидаги икки қўлланма билан танишиб чиқдим.

Гапнинг индаллосини айтганда, «Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи» қўлланмасидаги чалкашликлар, тусмол фикрлар, адабиётлар рўйхатидаги бисёр хатоликлар мени лол қолдирди. Рус тилида чоп этилган «Янги ўзбек адабиёти» дарслигида А.Қодирийнинг «Улоқда» ҳикоясини умуман яроқсизга чиқариб қўйилганлиги, улоқчиларни жоҳилдан олиб жоҳилга, саводсиздан олиб саводсизга чиқариб қўйилганлигини ўқиб хафа бўлиб кетдим. Дарслик муаллифи «улоқдай маъносиз ўйинга сарфланган вақт»га ачиниб кетади. Санамай — саккиз дейиш шу бўлса керак-да! Ўзбек миллий кураши жаҳон миқёси даражасига кўтарилаётганидан боши осмонга етмаган ўзбек топилармикан? Улоқ, кўпкари ҳам ўзбекнинг жўшқинлигини, чаққонлигини, жасоратини кўрсатадиган қадрият. Шундай экан, халқ қадриятини оёқости қилиб кетавериш, юмшоқроқ қилиб айтганда, калтабинликдир. Иккинчидан, «Улоқда» Абдулла Қодирийдек санъаткорнинг ажойиб асарларидан бири. Бу ҳикоя илдизини, ундаги эзгу ғояни ғайритилли китобхонга мароқ билан тушунтириб бериш ўрнига муаллиф тескари ҳақиқатни айтиб турса ғалати туюлар экан.

Адабий танқидда фикр айтиш, интеллектуаллик ортиб бораяпти. Аслида ҳам, адабий танқид мулоҳаза юритиш, мантиқий фикр билан китобхонни ишонтириш, унда гўзаллик туйғусини тарбиялашдир.

XX аср шўро танқидчилигида сохталик, қўполлик, туҳмат, сиёсий-мафкуравий айб қўйишга интилиш кучайган пайтлар бўлган. М.Шевердин, С.Ҳусайн, А.Саъдий, Ж.Бойбўлатов сингариларнинг жангари танқидий асарларини эслаш кифоя. Афсуски, XX асрнинг II ярмида ҳам адабий танқидни муштлашув рингига айлантирган танқидчилар топилди. XXI асрда ҳам адабий танқидчини қандай қилиб бўлса-да, бадиий асарлардан камчилик топишга ва имкон борича адибларни «чақиб олиш»га даъват этувчилар топилиб қолмоқда. Адабий танқиднинг ўзига маъқул «назарияси»ни топиб олган мунаққид қандай қилиб бўлмасин ўз қарашини бадиий асар «таҳлили»да намоён этишга интилади. Қарабсизки, сохта назариянинг юзаки иллюстрацияси пайдо бўлади. Бундай қараш зинҳор адабий танқид ривожига ҳисса қўшмайди.

Мустақиллик йилларида адабий танқид бой тажриба орттирди, кўплаб китобу тадқиқотлар яратди. Адабий танқид ҳосилини сараламоқ пайти яқинлашди. Насиб этса, Мустақилликнинг 15 йиллигида адабий танқидни холис талқин, таҳлил қилган асарларга эга бў[illegible]

**бдуғафур РАСУЛОВ**



# КИНО САНЪАТИ — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Санъатлар ичида кино санъати халққа энг яқин, оммабоп бўлгани учун ҳам миллий маданиятимизни ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтириш, айниқса, ёшларни миллий анъаналар, қадриятлар, урф-одатларни қадрлаш, асраб-авайлаш руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ давлатимиз бу соҳани янада ривожлантириш, кино ижодкорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кинематография соҳасини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони кино санъатини умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлиги асосида тараққий эттиришнинг асосий йўналишларини белгилашда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, ушбу Фармонга биноан «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси «Ўзбеккино» Миллий агентлиги этиб қайта ташкил қилинди. Мазкур Фармонда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида агентлик олдига жиддий вазифалар қўйилди.

Хўш, бу вазифалар нималардан иборат эди ва бугунги кунда улар қандай бажарилмоқда?

«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг асосий вазифаси кино соҳасига доир энг яхши анъаналарни давом эттириш, бугунги талаблар даражасидаги филмларни кўпайтириш, экранда замонавий қаҳрамон образини яратишдан иборат.

Хўш, замонавий қаҳрамон ким?

Бундай қаҳрамонлар, аввало, халқ учун, миллат учун ёниб-куядиган, эл-юрт, Ватан равнақи йўлида бор куч-ғайратини сарфлашга қодир, ориятли, фидойи инсонлар бўлиши керак.

Табиийки, бундай қаҳрамонларни экранга олиб чиқиш ижодкордан катта масъулият талаб этади.

Кино, баъзилар ўйлаганидек, шунчаки кўнгилхушлик, дам олиш воситаси эмас, жамият ҳаётидаги, маънавий-ахлоқий тарбиядаги мавжуд муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратадиган, ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялайдиган, ўзликни англаш воситаси ҳамдир.

Шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, бизнинг бугунги мақсадимиз халқимизга, кино ихлосмандларига манзур бўладиган филмлар яратиш, ўз касбига содиқ фидойи сценарийчилар, режиссёрлар, операторлар, умуман олганда, шу соҳанинг ҳақиқий ижодкорларини, жонкуярларни бирлаштиришдан иборат.

Шу ўринда яна бир нарсага алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайман. Ҳар бир ижодкор ўз ишини пухта бажариши зарур. Яъни сценарийчи асар ёзиши, режиссёр филм яратиши, оператор суратга олиши, актёр рол ўйнаши керак. Афсуски, бир ижодкорнинг ўзи ҳам режиссёр, ҳам сценарий муаллифи, ҳам бош рол ижрочиси бўлаётган ҳоллар йўқ эмас. Агар бу тажриба ижобий натижаларга олиб келиб, томошабинга манзур филм яратилса қани эди. Бундай ўзимбўлайчилик кўплаб ўртамиёна асарларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда кекса ва ёш киноижодкорлар авлоди ўртасида ижодий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаган. Демак, асосий вазифаларимиздан бири устоз-шогирдлик анъанасини тиклаш ва давом эттиришдир.

Халқимизнинг миллий табиатини, миллий ўзига хослигини яхши билмай туриб, кинода бўлсин, бадиий адабиётда бўлсин, яхши асар яратиб бўлмайди. Айни шу маънода кино санъатига дадил кириб келаётган, аммо тажрибаси кам ёш ижодкорларга ҳақиқий устозларни бириктириб қўйиш, уларга кўмаклашиш ўта муҳим деб ҳисоблаймиз.

Ҳақиқий ижодкор ҳар қандай шароитда ҳам ўз фаолиятига танқидий баҳо бера олиши керак.

Бирор мавзуга қўл уришдан олдин «Хўш, бу асарим томошабинга нима беради?» деган саволни ўз олдига қўйса, ижодкор бундан фақат ютади. Кетма-кет филмлар яратиб ташлайверсаю, бундан на миллий кино санъати, на томошабинга бирор наф бўлмаса, бу каби сермаҳсулликдан нима фойда?

Шунинг учун ҳам бирор режиссёр билан ҳамкорлик қилишдан олдин, унинг аввалги асари муваффақиятли чиқдими-йўқми, деган саволни кўндаланг қўйишга келишиб олдик. Шу ўринда яна бир фикр. Эҳтимол, бирор ижодкорнинг қайсидир асари халқаро танловлардан бирида қатнашиб, мукофот олган бўлиши мумкин. Лекин бу ҳолат мазкур асарнинг ҳақиқий баҳоси бўлолмаслиги аниқ. Чет элнинг қайсидир мезонларига мос тушган асар халқимизнинг бугунги ҳаёти, турмуш тарзи ёки руҳиятини тўлақонли акс эттирмаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш юзасидан бир қанча ташкилий-ижодий ишларни амалга оширишга киришди.

Мамлакатимизда яратилаётган бадиий ва ҳужжатли кино-видеофилмларнинг маънавий ва бадиий савиясини ошириш мақсадида профессионал етук, талабчан мутахассислардан иборат Бадиий кенгаш қайта тузилиб, унинг Низоми тасдиқланди.

Муҳим вазифаларимиздан яна бири — мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, кино-видео фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва хусусий тадбиркорлар учун тенг шароитлар яратиш, уларга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат. Ҳозир хусусий киностудиялар фаолияти ҳақида аксарият ҳолларда танқидий фикр-мулоҳазалар кўзга ташланяпти. Тўғри, уларда суратга олинаётган филмларнинг кўпчилигида тақлид, сохталик, бадиий саёзлик кўзга ташланади. Лекин турли жангари, «ур-йиқит», яланғоч саҳналарга тўла хориж филмлари, бачкана сериаллардан кўра ёшларимиз ўз филмларимизни кўрганлари маъқул, деб ўйлаймиз.

Шу боисдан ҳам хусусий киностудиялар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашимиз ва мавжуд камчиликларни биргаликда бартараф этишимиз зарур. Ўзбекистон Киноарбоблари бирлашмаси қошида сценарийларни саралаш ва муаллифларга ёрдам бериш мақсадида таниқли профессионал ижодкорлардан иборат ижодий кўмаклашувчи гуруҳ тузилди. Ўйлаймизки, бу тадбир хусусий кино соҳасида ҳам яхши асарларнинг юзага келишига ёрдам беради.

Самарали саъй-ҳаракатларимиздан бири сифатида Республика кинофонди давлат корхонасининг қайта тикланганини айтиш мумкин. Кинофонд қошида филмларимизни видео кассеталарга, DVD дискларига ёзиб кўпайтириш ишлари йўлга қўйилмоқда. Бинобарин, бундан буён Мустақиллик йилларида яратилган ўзбек филмлари ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб боради, кинотеатрларда намойиш этилади, деган умиддамиз.

Ҳозирги кунда республикамизда жами 317 та кинотеатрлар мавжуд бўлса, шундан 161 тасигина фаолият юритмоқда. Афсуски, хусусийлаштирилаётган пайтда кўпгина кинотеатрлар ўз фаолиятини сақлаб қолиш шарти билан сотилмаган. Биз хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, уларга аҳолига кино-видео хизмати кўрсатишлари учун тегишли ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Истиқлол йилларида ишланган бадиий, ҳужжатли, мултипликацион филмларни мунтазам равишда намойиш этиб бориш ҳақида «Ўзтелерадио» компанияси раҳбарияти билан келишиб олдик.

Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши тавсиясига кўра мамлакатимиздаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги кино-видео жиҳозларидан самарали фойдаланиб, маънавият ва маърифат дарсларида ўқув-услубий, маънавий-маърифий филмлар намойишини йўлга қўйиш борасида ҳам иш бошлаб юбордик. Шубҳасиз, бу филмлар ёшларимиз билимини янада кенгайтиришга, уларнинг маънавияти ва маърифатини юксалтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Тошкент Ислом университети қошидаги «Зиё» студияси ва «Ўзбекмузей» жамғармаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан биргаликда ўқув дастурлари асосида одобнома, тарих, адабиёт дарслари бўйича филмлар яратилиши режалаштирилмоқда.

Долзарб вазифалардан бири жажжи фарзандларимиз, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи филмлар яратиш экани ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, болалар ва ўсмирларга мўлжалланган мултипликацион филмлар яратиш ва улардан самарали фойдаланиш дастури ишлаб чиқилди. Қизиқарли мулттўпламлар яратиш мақсадида 16 та филм танлаб олинди. Кейинги йилдан бошлаб «Зумраша» болалар ҳажвий видео журналини тиклаш ниятимиз бор.

Ўзбек киносини жаҳонга танитиш, унинг ютуқларидан чет эллик мухлис ва мутахассисларни хабардор қилиш мақсадида интернетда ўзбек, рус ва инглиз тилларида махсус вебсайт очилди. Унга мустақиллик йилларида яратилган асарлар филмографияси, ўзбек кино ижодкорлари, тизимимиздаги кинокорхоналар ҳақидаги маълумотлар киритилмоқда.

Яратилаётган кинофилмлар тарғиботини йўлга қўйиш, киноижодкорлар фаолиятини мунтазам равишда ёритиб бориш учун ойда бир марта чоп этиладиган ўзбек ва рус тилларидаги махсус оммабоп киножурнални нашр этиш юзасидан ташкилий ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларида кўрсатиб ўтилган долзарб вазифаларни бажариш учун киноижодкорларнинг бутун куч-ғайратини сафарбар этиш йўлида фаолият юритмоқда. Ўйлаймизки, кино ижодкорларимиз бугунги кун талабига жавоб берадиган юксак савиядаги филмлар яратишга қодирлар. Бу ишнинг уддасидан чиқишлари учун уларга барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

**Аъзам ИСҲОҚОВ,**
**«Ўзбеккино» Миллий агентлиги бош директори**



*Нигоҳ*

# «ОЛАМДА ЭНГ ОҒИР — СЎЗНИНГ ЙЎЛИДИР»




Ким кўп — шоирликка даъвогар кўп. Лекин улуғ Огаҳий айтганидек, Тангри таоло «...алар орасида баъзисининг (!) тилин фасоҳат ва балоғат бобида нодир ва сўз риштасига маоний жавоҳирин назм этарга қодир қилиб, маъни аҳли орасида қуёш ёнглиғ равшан ва сарафроз этти». Шу боис, чинакам шоирлик мақомига кўтарилиш даъвогарларнинг ҳаммасига ҳам насиб этаверган эмас.

Бу воқеага кўп бўлгани йўқ. Адаб аҳли даврасидаги бир суҳбатда ёш, иқтидорли шоир шеър ўқиди. Гаштакда иштирок этган устоз ижодкорлардан бири: «Шеърларингизнинг савияси анча баланд, бироқ уларни ўқишда Сирожиддин Саййидга тақлид қилар экансиз. Агар яхши шоир бўлишни орзу қилсангиз, ҳар қандай тақлиддан сақланинг», деб насиҳат қилди. Устознинг фикри тўғри, шубҳасиз. Мен эътиборни масаланинг бошқа жиҳатига қаратмоқчиман: яъни, ёш истеъдодлар ҳаммага ҳам эргашавермайди.

Қолаверса, бу воқеа ёш ижодкорларнинг Сирожиддин Саййидга ҳавас қилишига ягона мисол эмас. Бу унинг миллий шеъриятимизда ўз ўрнига эга экани далилидир. Дастлабки тўпламларидан кейинги «Куйдим», «Ватанни ўрганиш», «Кўксимдаги зангорларим», «Кўнгил соҳили» каби китобларигача шоир ижоди тобора юксала борди, десак асло муболаға бўлмас.

Яқинда «Шарқ» нашриётида Сирожиддин Саййиднинг янги китоби — «Қалдирғочларга бер айвонларингни» номли сайланмаси чоп этилди. «Илоё, ҳар кимга ҳаётида ифтихор насиб этсин, — деб ёзади китобга битилган сўзбошида Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов. — Ифтихорнинг гўзал шаклу шамойиллари кўп. Уларнинг энг аввали, албатта, халқу Ватанингдир! Ундан сўнг, балким, устозу шогирдлар. Шу маънода, жумладан мен ўзимни ниҳоятда бахтли инсонлардан бири, деб ҳисоблайман. Улуғ халқим, буюк устозларим, кўз-кўз қилишга арзигулик софдил шогирд укаларим бор. Шоён шеъриятимизда эса, ана шундай ифтихорларимиздан бири, шубҳасиз, Сирожиддин Саййиддир».

Ватан ҳақида ёзмаган бирорта ҳам шоир бўлмаса керак. Лекин Сирожиддин Саййиднинг бу мавзудаги битиклари салафлари ва замондошларидан бирортасини такрорламайди. Мана бу мисралар ҳам бунга шоҳид:

**Юртим, менга зар керакмас зарларингдан,**
**Киприкларим ўпсалар бас гардларингдан.**
**Мен бир насим бўлиб келдим,**
**мен бир насим,**
**Айтиб ўтсам дейман кўҳна дардларингдан.**

Сирожиддин Саййид — дардли шоир. Унинг зоҳиран қувончли ҳолатнинг гўзал поэтик ифодаси берилгандек кўринган мисралари замирида ҳам элнинг, юртнинг ғамида яшаётган кўнгил изтироблари сирқиб туради. «Айвонлари нурга талош, кайвониси ою қуёш» бўлган Ватан ҳақида «кўзида ёш, юзида ёш» билан ёзишининг сабаби шунда.

Китобнинг номига чиққан мисра ҳам бениҳоя жозибали. Бинобарин, уйнинг айвонига қалдирғоч қўниши — бахт тимсоли. Шоирнинг шеърларида ана шундай кўнгилга яқин, қалбдаги нозик торларни-да чертиб юборадиган мисралар кўп. Мана, яна бир мисол:

**Ким Ватанни зар тўнига енг этмишдир,**
**Ким бағрини осмонлардай кенг этмишдир.**
**Яратганнинг ўзи бугун тенг этмишдир**
**Асрларга онларини, онларини.**

Тўғри, бу иқтибос Ғафур Ғуломнинг «Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал», деган мисрасига уйғун. Лекин Сирожиддин Саййиднинг ютуғи шундаки, у ифоданинг мутлақо ўзига хос усулини топа олган.

Бир-икки мисрада кенг қамровли, теран мазмунни ифодалай олиш шоирдан жуда катта иқтидорни талаб этади. Сирожиддин Саййид шеърларида бу фазилат бўртиб кўринади. «Ватан абадий» шеъридан олинган қуйидаги иқтибос ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

**Ҳар тепа, ҳар дўнглик**
**турбат этмасдир,**
**Ҳар қандай айрилиқ**
**ғурбат этмасдир.**
**Юртдан кетган ҳар зот**
**Фурқат эмасдир,**
**Ватан қолар экан,**
**Ватан абадий.**

«Юртдан кетган ҳар зот Фурқат эмасдир» деган мисрада ўнлаб саҳифаларда баён этиш мумкин бўлган чуқур мазмун ифодаланганини пайқаш қийин эмас.

Сирожиддин Саййид шеърларидаги яна бир фазилат — уларда улуғ салафларга бўлган эҳтиром ёрқин ифодаланганидир. Аҳмад Яссавий, Навоий, Махтумқули, Бобур, Машраб, Фурқат каби ижодкорларга бағишланган шеърлар, улар ғазалларига боғланган мухаммаслар ҳам буни тасдиқлайди. Эҳтимол, шунинг учундир, шоир арузда ҳам маҳорат билан ёза олади. Бугунги шоирлардан камдан-ками бундай салоҳиятга эга экани сир эмас. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган қуйидаги машҳур ғазалига боғланган тахмис шоирнинг юксак салоҳиятига яна бир далилдир:

**Булут эрмас, кўк узра**
**тарқаган кўнгил гумонидур,**
**Гумон қилмак бу дамда**
**бегумон дилнинг зиёнидур,**
**Кўкарган хор ила хаслар**
**тирикликнинг нишонидур,**
**Баҳор айёмидур дағи**
**йигитликнинг авонидур,**
**Кетур соқий, шароби нобким,**
**ишрат замонидур.**

Тўғри, «хор ила хаслар»га кўкармоқ сифатини бериш бироз ғалати кўринади. Ушбу "«айбгина»ни эътиборга олмаганда, тахмис вазн жиҳатдан ҳам, мазмун эътибори билан ҳам Бобур ғазалига мутаносибдир.

Улуғ салафлар маҳорат мактабидан ўрганиш самараси бўлса керак, Сирожиддин Саййид шеърларида теран фалсафий фикрларнинг бетакрор поэтик ифодаси даражасидаги байтлар, бандлар анчагина. Ҳазрат Яссавийнинг «Кўксумдаги зангорларим кетармукин» мисрасига тазмин ўлароқ яратилган шеъри, ҳадисларнинг назмий талқинлари, халқона ҳикматлар сингдирилган асарлари бунинг исботидир. Бир қарашда содда туюладиган, лекин ўқувчини умрнинг мазмуни, олам ва одамнинг моҳияти ҳақида мушоҳада этишга ундайдиган мана бу мисралар ҳазрат Яссавий ҳикматларини эсга тушириши билан ҳам аҳамиятлидир:

**Келиб кетмоқ ўйин эрмас,**
**саёҳат ё зиёрат,**
**Умр йўли заҳматлару**
**меҳнатлардан иборат.**
**Кўнгилларга қурдингми бир**
**кўприкми ё иморат?**
**Қурганларинг ўзингники,**
**қурмаганинг гумондир.**

Кўнгилларга иморат қуриш, вайрон дилни обод этиш ҳақида жуда «кўп ва хўб» ёзилган. Сирожиддин Саййиднинг ушбу битиклари уларнинг бирортасига ўхшамаслиги билан ҳам қимматлидир.

Оз сўз билан кўп маъно ифодалаш, ҳеч бир замонда эскирмайдиган мавзуларнинг оҳорли талқини, кутилмаган ва жозибали ташбиҳлар қўллай олиш Сирожиддин Саййид шеъриятининг хос хусусиятидир. Бинобарин, шоир учун шеърият «воситаи жоҳ» эмас. Унинг ўз эътирофича, «Оламда энг оғир — Сўзнинг йўлидир». Бу йўлдан юриш чинданда осон эмас. «Ғафур Ғулом сиёҳдонига» шеърида бетакрор ифодаланганидек:

**Улуғ шоирларнинг қалби**
**сиёҳдон бўлган,**
**Ёзса қони билан ёзган,**
**сиёҳ — қон бўлган.**

Сирожиддин Саййид ана шу сермашаққат, «нўши бир бўлса, ниши минг, роҳати бир бўлса, ташвиши минг» (Огаҳий таърифи) йўлнинг саботли йўлчиларидандир. Чинакам шеъриятга ташна қалблар малҳами бўлган сайланмаси шоирдан ҳали кўп беназир асарлар кутишга умид уйғотади.

**Нурбой АБДУЛҲАКИМ,**
**филология фанлари доктори**

# ИСТИҚЛОЛ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК

**Ўзбекистоннинг Европа давлатлари билан маданий ҳамкорлик алоқаларига бир назар**

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг Европа давлатлари билан кино, театр, мусиқа ва тасвирий санъат соҳасидаги маданий алоқалари айниқса яхши ривожланди. Республикамизнинг қатор ижодий жамоалари Буюк Британия, Германия, Франция, Белгия, Голландия, Австрия, Венгрия, Греция, Италия ва бошқа давлатларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар. «Ялла» вокал-чолғу ансамбли, Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармониясининг бир гуруҳ артистлари, республика Қўғирчоқ театри ва бошқалар шулар жумласидандир. Турғун Алиматов, Муножот Йўлчиева, Юлдуз Усмонова, Абдуҳошим Исмоилов, Муяссар Раззоқова каби кўплаб санъаткорларимизнинг чет элларда ташкил этилган концертлари, мусиқа кечалари халқимиз санъати намуналаридан дунё халқларини бохабар қилмоқда.

Германияда ўтказилган «Толеранс» дунё халқлари маданияти еттинчи халқаро фестивалида Бухоро «Шашмақом» жамоасининг қатнашиши герман-ўзбек маданий алоқаларининг мустаҳкамланишига ҳисса қўшди. Саксон бешдан ортиқ хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари вакиллари ва 150 мингдан ортиқ томошабин қатнашган бу нуфузли анжуманда «Шашмақом» илк бор ижро этилишига қарамай, мусиқа ихлосмандларини мафтун этди.

Сўнгги йилларда юртимизда Европа киносанъати фестивалларининг ўтказилиши анъанавий тус олди. Жумладан, Франция элчихонаси кўмагида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарларида бир неча бор француз филмлари фестивали бўлиб ўтди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон кинематографчиларининг маҳсулотлари Европа давлатлари эътиборини жалб этаётгани ҳам эътиборга лойиқдир. Жумладан, Буюк Британияда ўтказилган ўзбек кинематографияси фестивали катта муваффақият қозонди. Буюк Британиянинг бир қатор шаҳарлари кинотеатрларида «Алишер Навоий», «Севишганлар», «Нафосат», «Воиз», «Еттинчи ўқ» филмлари намойиш этилди. Шубҳасиз, бу каби ҳамкорликлар ахборот бўшлиғини тўлдириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Мустақиллик йилларида хорижий давлатлар халқлари ҳаётига оид саналарга бағишлаб кўргазмалар ташкил этиш, кечалар ўтказиш анъанавий тус олди. Юртимизда Италия миллий байрамига бағишлаб Боттичелли, Рафаэл, Леонардо да Винчи ва Уйғониш даврининг бошқа машҳур рассомларининг асарлари намойиш қилинди. Францияга бағишланган катта маданий дастур доирасида пойтахтимиз музейларида француз импрессионистлари ва постимпрессионистлари асарларининг нусхалари намойиш этилди. Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев каби кўплаб тасвирий санъатимиз усталарининг асарлари Франция, Англия, Германия каби давлатларнинг турли шаҳарларида ўтган кўргазмаларда намойишга қўйилди, катта-катта музейлар, шахсий коллекциялар учун сотиб олинмоқда. Энг муҳими, бундай кўргазма алмашишлар икки халқ бир-бирининг ўтмиши, бугунги куни, одамларининг турмуш тарзи билан яқиндан танишишига имконият яратади, турли тилдаги, турли диндаги кишиларни маънавий бирлаштиради.

Маданий ҳамкорликнинг энг самарали кўринишларидан бири — маданият кунларидир. Бу борада Францияда ўтган Самарқанд шаҳри кунларини, Ўзбекистон ва Германияда ўтказилган маданият кунларини эслаш кифоядир. Бундай тадбирлар давомида халқлар бир-бирларининг кино, театр, мусиқа ва бошқа соҳаларда эришган ва эришаётган ютуқлари билан яқиндан танишадилар. Масалан, Ўзбекистонда ўтган Германия маданияти кунларида бу давлатнинг 50-60-йиллардаги графика санъати, «Марказий Осиё маданияти немис музей ва коллекцияларида» ва фотоҳужжатлардан иборат кўргазмаси ҳамюртларимизда катта қизиқиш уйғотди.

Худди шунга ўхшаш Германияда ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари дастурига мувофиқ Бонн шаҳрида «XXI аср бўсағасида Ўзбекистонда ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат» кўргазмаси, халқ амалий санъати кўргазмаси, «Ўзбекистон бунёдкорлик йўлида» фотокўргазмаси ўтказилиб, немислар халқимиз санъатининг ўзига хос хусусиятлари билан танишишдан ташқари, ўзбекларнинг турли даврдаги турмуш тарзидан ҳам бохабар бўлди. Энг муҳими, санъатнинг турли соҳаларида дунё талаблари даражасида фаолият кўрсатаётган юртдошларимизнинг номи кўпчиликка маълум бўлди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Германия ўртасида театр соҳасидаги ижодий алоқаларнинг чуқурлашгани ҳам диққатга сазовордир. Германияда ўтган халқаро театр фестивалида Марк Вайл раҳбарлигидаги «Илҳом» театри жамоаси иштирок этди, ўзбекистонлик актёрларнинг ижро маҳоратига немис матбуотида ижобий муносабат билдирилди.

Боттропда (Шарқий Рейн-Вестфалия) ўтган халқаро эртаклар фестивалида Ўзбекистон номидан Республика Қўғирчоқ театри қатнашди. Ёш актёрлар фестивалдан ташқари бошланғич мактаблар ва қариялар уйларида спектакллар ижро этдилар. Шубҳасиз, бу тадбирлар юртимиз театр санъатини немислар диёрида тарғиб этишга катта ҳисса қўшди.

Биз ушбу мухтасар мақолада Ўзбекистоннинг баъзи Европа давлатлари билан ҳамкорлиги борасида фикр юритдик, холос. Ваҳоланки, юртимизнинг бошқа чет давлатлар билан маданий-маърифий ҳамкорлиги ҳам воқеаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Ҳукуматимизнинг дунё мамлакатлари билан ҳар томонлама, жумладан, маданият соҳасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган фаолияти, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари Ўзбекистоннинг дунё маданий муҳитига дадил киришаётганидан далолат беради. Зеро, мустақиллик Ўзбекистоннинг жаҳон давлатлари билан маданий жабҳадаги самарали ҳамкорлигига кенг йўл очиб берди.

**Яшнар ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

*Кўргазма залларида*

# УСТОЗЛАРГА ЭРГАШИБ...

**Боши биринчи бетда.**

Миниатюрада ишлаш мураккабдек кўринса-да, бу жанр менга чексиз-чегарасиз завқ беради, ранглар мени аллақандай пар булутлар устида енгил учиради. Мўъжизанинг ўзгинаси десам ҳам бўлади. Ижодимни бошлаганимда устозларимга эргашишга ҳаракат қилганман. Лекин, йиллар ўтиб, ўзига хос композициялар яратиб, ўз йўналишимни топиб олдим.

**— Кўргазмада асарларингиз савдога ҳам қўйилибди, юрагингиз ачимайдими?**

— Ҳар қандай ижодкор мухлис учун асар яратади. Асарларим кимгадир ёқиб, оз бўлса-да санъатимдан баҳраманд бўлса, бу мен учун жуда ёқимли. Жонимиз соғ бўлса ҳали бундан ҳам яхши асарлар яратиб, миниатюра ихлосмандларини хурсанд қиламиз. Абдулла Қодирий асарларига ҳурматим жуда баланд. Оллоҳ насиб этса, «Ўткан кунлар» романи қаҳрамонларини асарларимда тасвирламоқчиман.

Ранктасвир ижодкори Фахриддинни саволга тутдик.

**— Катта даргоҳда кўргазмангиз очилди. Қалбингизда қандай ўйлар кечяпти?**

— Давлат музейида кўргазма очиш биздек ёш рассомлар учун албатта, жуда катта воқеа. Очиғи, мени томошабин муаммоси бироз ҳаяжонга солган эди. Кўриб турибсиз, зал мухлисларга тўлиб кетди. Лекин, асосийси, улар асарларимизга қандай баҳо беришади. Ана шу баҳо ижодимизда катта ўрин тутади.

**— Неъмат Қўзибоев устахонасида ўқиган экансиз. Суратларингиздан буни билса бўлади...**

— Ёшлигимдан Неъмат ака асарларининг чин мухлиси эдим. Устоз билан учрашишни, у кишидан рангтасвир сирларини ўрганишни орзу қилардим. Институтда дастлаб сиёсий плакат ва китоб графикаси бўлимида ўқидим. Охирги босқичда Неъмат Қўзибоев устахонасида рангтасвирдан сабоқ олдим. Ижодий йўналишимни топишда устозим ёрдамларини аямадилар. У кишининг асарларини нозиклиги, рангларга бойлиги, бошқаларга ўхшамаган жозибаси, ўзига хослиги учун яхши кўраман.



Неъмат аканинг асарларига меҳр қўйганимданми, асарларимда уларга ўхшаш томонлар бўлиши мумкин. Ҳозир эса, рассом дўстларимнинг айтишига қараганда, ўз услубим, ўз қарашларим, йўналишим пайдо бўлибди.

**— Суратларингизда ранглар жуда чиройли. Рангларни қандай танлайсиз?**

— Асосан табиат билан мулоқотда ишлайман. Манзара бўлса, бевосита ўша ернинг ўзида сурат чизаман. Табиатнинг ўзи рангларга жуда бой. Фақат рангни жой-жойида тўғри ишлатсангиз бўлгани. Она табиатимизнинг ўзи энг катта рангтасвир асари, десам янглишмайман.

**— Режаларингиз ҳақида тўхталсангиз?**

— Тошкент шаҳри манзараларини чизиб, туркум асарларимдан иборат кўргазма қилиш ниятим бор.

**— Омадингизни берсин.**

**САРВАРА**


МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!
Ватан узра озодлик қуёши балқиган, халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиққан Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муборак бўлсин!
Озод ва обод Ватанимиз ҳамиша омон, мавқеи янада баланд, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи мустаҳкам ва салмоқли бўлсин!
Биз Сиз азизларнинг яратувчанлик фаолиятингизни, Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги фидойи ишларингизни ўз асарларимизда тараннум этамиз.
Ижодий ютуқларимиз, илҳом мавжларимиз Сизга, азизлар!
Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси


“НУРОНИЙ”
жамғармаси азиз ватандошларимизни, чеҳрасидан нур ёғилиб турган пиру комил отахонларимиз, меҳрибон ва мунис онахонларимизни барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган Ватанимиз мустақиллигининг шонли 14 йиллиги билан самимий муборакбод этади.
Юртимизга кўрк, бошимизга соябон, эзгу ниятларимизга йўлдош бўлган Сиз азизлар билан ҳар қанча фахрлансак оз. Чунки Сизлар истиқлол замонининг янги, ёш ва навқирон авлоди учун ҳар жиҳатдан ибрат намунасисиз. Пок ниятингиз, дуоларингиз бизга қанот бағишлайди.
Бахтимизга ҳамиша омон бўлиб, умрингиз узун бўлсин, азизлар!


“Янгиерйўл индустрия”
14
корхонаси меҳнат жамоаси азиз ватандошларимизни ҳаммамиз учун улуғ ва азиз бўлган Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами билан самимий қутлайди.
Йўлингиз ойдин ва равон бўлсин, муҳтарам юртдошлар!
Азиз халқимизнинг фаровон келажак, нурли манзиллар сари одимлари ҳамиша омадли ва бехатар бўлишига тилакдошмиз!
БАХТ ВА ОМАД ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!


Азиз ватандошлар!
Сизларни ҳаётимиздаги энг улуғ энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг йиллиги билан самимий муборакбод этамиз!
Сиз азизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизда омадлар тилаймиз. Эзгу ниятларингизни барчаси рўёбга чиқсин. Мустақил Ватанимиз янада гўзал, ҳаётимиз янада фаровон, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин.
Мамлакатимиз кино ижодкорлари сизлар учун янги, баланд юксак фильмлар яратиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Сизларнинг яратувчанлик фаолиятингиз бизларни янги-янги асарлар устида ишлашга ундамоқда.
Энг улуғ, энг азиз байрамимиз
“ЎЗБЕККИНО” Миллий агентлиги жамоаси


Ўзбекистон Театр ижодкорлари уюшмаси барча
дилдан самимий қутлайди.
Театр санъатларингиз завқли ва омадли бўлсин.

